

Бешинчи салб юриши



15:28 / 27.10.2023 2491

(1217-1221)

1215 йилда Иннокентий III Фарбни янги салб юришига чақирди, унинг меросхўри Гонорий III (1216-1227) 1216 йилда мазкур чақириқни такрорлади. 1217 йилда Венгрия қироли Эндре II қўшин билан Фаластинга келди. 1218 йилда бу ерга икки юздан зиёд кемаларда Фрисландия ва Рейнбўйи Германиясидан салбчилар келишди. Худди шу йили Қуддус қироли Жан де Бриен ва учта диний-рицарлик ордени буюк магистрлари қўмондонлигидаги жуда катта қўшин Мисрга бостириб кирди ва Нил дарёси этагидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Димёт қалъасини қамал қилишди. 1219 йилнинг ноябрида қалъа забт этилди. Папа легати кардинал Пелагий талабига кўра салбчилар Миср султони ал-Комилнинг Димётни Қуддусга алмаштириш тўғрисидаги таклифини рад этишди ва

Қоҳирага ҳужум бошлашди, бироқ мисрликлар қўшини ва Нил тошқини орасида исканжада қолиб кетишди. Беталофат чекиниш имконини қўлдан бермаслик учун улар Димётни қайтаришга ва Мисрдан чиқиб кетишга мажбур бўлишди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.